

ЎҚУВ ДАСТУР ПАСПОРТИ

*Ўқув дас тур узлуксиз тиббий ва фармацевтик таълим мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2025йил 24 январдаги №ММО-48 сонли баённомаси асосида тасдиқланган.*

Амал қилиш муддати 2028 йил гача

Таълим муассасаси номи	Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази
Кафедра/ бўлим	Гастроэнтерология ва физиотерапия
Ўқув дастур номи	“Даволаш жисмоний тарбияси”
Ўқиш тури	Мавзуй малака ошириш
Ўқув дастур муаллифи/ муаллифлари	Хамрабаева Ф.И., Юлдашева Г.Р., Атабаева С.М.
Циклнинг умумий соати	144 кредит

Циклда дарс берадиган ўқитувчи ва тренерлар

			
т.ф.д, профессор Хамрабаева Ф.И.	т.ф.д., доцент Юлдашева Г.Р.	Ассистент Атабаева С.М.	
Мақсад	Даволаш жисмоний тарбияси шифокорлари ва барча тор мутахассислар даволаш жисмоний тарбия турларини тўғри танлаш, ҳар бир беморга индивидуал юкломани аниқлаш, реабилитацион-профилактик чоратадбирлар мажмуасини амалга ошириш бўйича билим ва кўникмаларини мукамаллаштириш ва янгилашдан иборат.		
Циклга таклиф қилинган мутахассислар - контингент	бошланғич ихтисослаштиришда мазкур мутахассислик олганлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлган даволовчи жисмоний тарбия ва спорт шифокорлари, физиотерапевтлар ва барча тор мутахассислар.		
Цикл вазифалари	аҳоли ўртасида турли хил касалликларни олдини олиш, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш қоидалари ҳақида тарғибот ишларини олиб бориш кўникмаларини такомиллаштириш; халқаро клиник протоколлар ва миллий стандартлар асосида ишлаш кўникмаларини шакллантириш; исботланган тиббиёт асосларига мослашувини такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ қилиш; турли хил касалликларни даволаш ва тиббий тиклашда даволаш жисмоний тарбиясини қўллаш, замонавий лаборатор ва инструментал текширув натижаларини тўғри таҳлил қилиш ва индивидуал даволаш жисмоний		

	тарбиясини танлаш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштириш;
Цикл таркиби	1.модул. ЎзР ССВ тизимида янги меъёрий ҳужжатлар 2.модул. Даволаш жисмоний тарбияси (ДЖТ)да инновацион технологиялар 3. модул. Юрак қон – томир касалликларида ДЖТнинг замонавий услублари. 4. модул. Нафас тизими касалликларини даволашда ДЖТ қўллашнинг янгича мезонлари 5. модул. Ошқозон ичак тизими касалликларида ДЖТ га янгича ёндашув. 6. модул. Асаб тизимининг функционал касалликларида ДЖТ нинг замонавий услублари. 7. модул. Сийдик - айириш тизими касаллигида ДЖТнинг янги имкониятлари 8.модул. Таянч-ҳаракат тизими касалликларида ДЖТнинг замонавий талқини 9.модул. Киз- аёллар организмига жисмоний юкламалар таъсири ва уқалашнинг янгича мезонлари.
Ўқиш базалари 1.ТХКМРМ кўп тармоқли шифохонаси 2.Чинобод санаторийси 3.РИТ ва ТРИАТМ 4.Кардиология маркази	
Симуляцион асбоб/ускуналар	